

РЕСА(Professional Education for Economic Growth Sectors in Central Asia) лойиҳаси доирасида 2022 йил 28-29 март кунлари Истанбул шаҳрида ташкил этилган халқаро тадбир бўйича

ХИСОБОТ

GIZ(Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit) халқаро ҳамкорлик ташкилоти томонидан РЕСА(Professional Education for Economic Growth Sectors in Central Asia) лойиҳаси доирасида 2022 йил 28-29 март кунлари Истанбул шаҳрида ташкил этилган халқаро тадбирда Тошкент кимё-технология институти ректори Б.Ш. Усмонов бошчилигидаги институт делегацияси иштирок этди. Тадбирга Марказий Осиё давлатларидан 8 та ва Европа иттифоқи давлатларидан 4 та олий таълим муассасаларининг делегациялари ташриф буюрди. Унда Латвия давлатидан Латвия табиий фанлар ва технология университети, Литва давлатидан Литва соғлиқни сақлаш фанлари университети, Швеция давлатидан Швеция қишлоқ хўжалиги фанлари университети, Португалия давлатидан Коимбри қишлоқ хўжалиги олий мактаби, Қозоғистон Республикасидан Қозоғистон миллий аграр университети ва Олма-ота технология университети, Қирғизистон Республикасидан Қирғизистон давлат техника университети ва Ош технология университети, Тожикистон Республикасидан Тожикистон технология университети ва Хўжанд политехника институти ҳамда Ўзбекистондан Тошкент кимё-технология институти ва Бухоро муҳанлислик технология институтларидан келган аъзолар қатнашдилар.

РЕСА лойиҳаси озиқ-овқат технологияси соҳасига йўналтирилганлиги учун анжуманда фақатгина озиқ-овқат технологияси бўйича таълим ва илмий тадқиқот фаолиятлари билан шуғулланувчи олий таълим муасссалари иштирок этди. Анжуманга Тошкент кимё-технология институтидан ректор Б.Ш. Усмонов, Озиқ-овқат кафедраси мудири А.Т. Рўзибоев ва кафедра профессори Г.З. Джахангирова ташриф буюришди.

Тадбирнинг биринчи қунида "Европа Иттифоқи олий таълим муасссалари билан ҳамкорлик ўрнатиш" мавзусидаги анжуман бўлиб ўтди ва унда хар бир олий таълим муассасаси ўзларининг муасссалари ҳақида, илмий ва ўқув фаолиятлари ҳақида тақдимотлар ўтказиши. Жумладан Тошкент кимё-технология институти ҳақида интитут ректори Б.Ш. Усмонов ва профессор Г.З. Джахангировалар маъruzалар қилишди. Ректор Б.Ш. Усмонов институт ва унинг келажакдаги фаолиятлари ҳақида, Г.З. Джахангирова институтда олиб борилаётган ўқув ва илмий тадқиқот ишлари ҳақида маълумот берди.



Анжуманинг иккинчи кунида Европа иттифоқининг хар бир давлатидан келган олий таълим муассасаси Марказий Осиёдан келган хар бир мамлакатнинг олий таълим муассасалари жамоаси билан алоҳида алоҳида мулоқот олиб борди. Ўзбекистон вакиллари дастлаб Латвия табиий фанлар ва технология университети вакиллари билан мулоқот қилдилар. ТКТИ ректори Б.Ш. Усмонов Европалик хамкаслариiga ўзаро қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг қисқа ва узоқ муддатли стажировкаларини ташкил этиш, ҳамкорлиқда илмий лойиҳалар ва тадқиқот ишларини олиб боришни таклиф этди. Мазкур таклиф Латвия университети вакиллари томонидан ижобий қабул қилинди ва розилик билдирилди. Шундан сўнг хар икки олий таълим муассасалари ректорлари томонидан ТКТИ-Латвия табиий фанлар университети ўргасида Озиқ-овқат таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича "Қўшма бакалавриат ва магистратура" дастурлари очишга оид Меморандум имзоланди.





Кейинги муроқотлар Литва соғлиқни сақлаш фанлари университети ҳамда Швеция қишлоқ хўжалиги фанлари университети вакиллари билан олиб борилди. Ушбу университетларга ТКТИ вакиллари томонидан илмий тадқиқот ишларини биргалиқда олиб бориш, ҳамкорликда докторантларни тайёрлаш, мақолалар чоп этиш, шунингдек профессор-ўқитувчилар ва докторантларнинг илмий стажировкаларини ташкил этиш бўйича таклифлар берилди. Хар икки университет вакилларига мазкур таклифлар маъқул келди ва келгусида ўзаро ҳамкорлик меморандумлари тузишга келишиб олинди.



Европа иттифоқидан келган нуфузли университетлардан яна бири Коимбри қишлоқ хўжалиги олий мактаби вакиллари билан музокаралар кўтаринки рухда ва самимий бўлиб ўтди. ТКТИ вакиллари Европалик ҳамкасларига ўрта маҳсус таълимга эга техникум битирувчilarини тайёрлашда Португалия тажрибаларини қўллаш бўйича қизиқишилари борлигини билдиришди. Бу таклиф Португалиялик вакилларга маъқул келди ва Португалия тажрибалари асосида техник мухандисларни тайёрлаш ва институт қошидаги техникумларда таълим сифатини ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича келишиб олинди. Шундан сўнг

ТКТИ ректори ва Коимбри қишлоқ хўжалиги олий мактаби президенти томонидан ўзаро хамкорлик меморандумини имзолаш маросими ўтказилди.



Ўзаро мулоқотлар тугаганидан кейин РЕСА лойиҳаси раҳбари Европа иттифоқи давлатларидан ташриф буюрган университет вакилларига сўз берди. Европа иттифоқидан ташриф буюрган университет вакиллари Марказий Осиёнинг қайси мамлакатидаги ОТМлар билан келажакда хамкорликда фаолият олиб боришга қизиқишилари борлигини ҳамда мазкур қизиқишининг асосларини изоҳлаб беришди. Уларнинг барчаси Тошкент кимё технология институти билан хамкорлик қилиш истаги борлигини маълум қилди.

Икки кунлик анжуман ТКТИ учун самарали ўтди ва якунда Европа иттифоқидан ташриф буюрган барча университетлар билан ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинди.

Сафар давридаги вақтдан унумли фойдаланган ҳолда ТКТИ жамоаси Истанбул Айдин университетига ташриф буюришди. Ташрифда институти ректори Б.Ш. Усмонов Айдин университетининг ректори Ядигар Измирли ва проректор Зафар Арслан билан учрашди. Учрашув дўстона ва самимий рухда ўтди. Томонлар ўзаро кенг қамровли илмий ва академик ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама қилишди. Сўнг икки олий таълим муассаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.



Шундан сўнг ТКТИ жамоаси Озиқ-овқат кафедрасининг ўқув ва лаборатория хоналари билан таништирилди.



ТКТИ жамоаси Туркияда фаолият юритувчи EURAS Евроосиё университетлар уюшмаси вакиллари билан мулоқот олиб борди. Мулоқот даврида уюшма вакиллари томонидан EURAS фаолияти ҳақида умумий маълумотлар берилди. Шундан сўнг ТКТИ ректори томонидан EURAS уюшмасига аъзолик шартномаси имзоланди ва ТКТИ Ўзбекистон Республикаси томонидан ушбу уюшмага аъзо бўлган биринчи олий таълим муассаси бўлди.



Умуман олганда ТКТИ жамоасининг Туркия Республикасининг Истанбул шаҳрига бўлган хизмат сафарлари самарали ва сермаҳсул бўлди. Сафар натижасида турли даражадаги 4 та ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Бу ТКТИ жамоасига шараф билан бирга катта маъсулият юклайди. Келажакда имзоланган шартномаларни институт манфаатлари учун самарали хизмат қилишини тилаб қоламиз.